

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

1988 йил,
август
№ 8 (303)

• Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

СЎЗДА ВА АМАЛДА

Республикаимиз колхоз ва совхозларига бригада, оила, ижара пудратлари узил-кесил кириб борапти. Ишонинг дастлабки якунлари бу янгиликнинг фойдали эканлигини тасдиқлаётди. Аммо шу билан бирга меҳнатни ташкил этишнинг янги усулини жорий этишда расмийликка йўл қўйётган ҳўжаликлар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ўтказган текширишда ана шулар аниқланди. Бундай расмийликлар меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини оширишга, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатапти. Ўзбекистон ССР Давлат агроаноат комитети меҳнат ва ҳақ тўлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи М. Расулов ана шундай камчиликлар билан муроас қилиб келипти. Бир қатор ҳўжаликларда меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усулини жорий этиш фақат бригад ва звенолар билан шартнома тузишдангина иборат бўлиб қолган. Иш эса эскичасига давом эттирилмоқда. Кўпгина пудратчи бригадаларга экин майдонлари гўзаларга ишлов бериш пайтида янги май-август ойларида бириктирилади. Бу — янги усулга бутунлай хилоф.

Бухоро область агроаноат комитети ҳўжаликларига кўпроқ ана шундай аҳвол рўй бермоқда. Г'ариб бир ерда пудрат асосида ишлаётган бригадаларга пахта майдонларининг 90 проценти бириктириб қўйилган бўлса-да, ишлаётганлар сони камайган. Ҳар бир пахтакор ҳисобига ўртача 1 гектардан ер тўғри келипти. Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи эса пастлигига қолмоқда. Оилавий пудрат кент жорий этилган. Ижара пудрати, ишлаб чиқаришни цех усулида бошқариш, меҳнатта янгича усулга ҳақ тўлаш каби усуллар эса қўлланилмапти. Чорвачилик, озуқа етиштириш, сабзавотчилик ва поливчиллик ҳам ана шундай аҳвол содир бўлапти.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳомаа қилиб, меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини жорий этишда содир бўлаётган камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар белгилади. Ишда нуқсонларнинг рўй беришга сабабчи бўлаётган масъул ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрди.

АКТ ВА ФАКТ

«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «СредазНИИнефть» институты раҳбарлари (директори А. Степченко, бош инженер В. Домохин) коллектив ишчини қайта куриш, лойиҳа ишларини планлаштиришда, ҳисоб-китобда тартиб ўратиш тўғрисида ҳамхўрлик қилмаптилар. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ўтказган текширишда тематик планлар кўпича юзаси ишлаб чиқаришда, лойиҳа-қидирув ишлари бўйича шартномалар белгилан-

ган муддатларга хилоф тарзда тузилаётгани маълум бўлди. Ўтган йили институтда саккизта тема асосида тарзда пландан чиқариб ташланди. Бешта теманинг бажарилиш муддатлари эса кейинга сурилди. Кўпгина мавзу бўйича ишлар умуман бажарилмади қолди. Шу йилнинг биринчи кварталда лойиҳа-қидирув ишлари ҳажми бўйича белгиланган планлар удалланмади. Институтта қарашли саккизта лойиҳа-лаш ва қидирув бўлимларидан тўрттаси топириқни бажаргани йўқ, буюртмачиларга топириқли зарур бўлган кўпгина лойиҳалар поёнига етказилмади.

Ишдаги бундай камчиликларга институт раҳбарларининг, айниқса лойиҳа-қидирув ишлари масалалари билан шуғулланувчи бош инженер В. Домохиннинг талабчанлик қилмаётгани сабаб бўляпти. Унинг айби билан ҳатто лойиҳа-қидирув ишлари нархи асосида тарзда қимматлаштирилмоқда. Масалан, текширишда 12 та лойиҳа-қидирув ишларининг умумий нархи 428, 5 минг сўмга кўпайтирилганлиги маълум бўлди. Булардан ташқари буюртмачилардан 22,8 минг сўм ортқича ҳақ ундириб олинган.

Институтда қабул ақтларини расмийлаштиришда нотўғри иш тутиш, тайёр бўлмаган лойиҳаларни ҳисобот даврининг сўнгги куларига киришиб юбориш каби ҳолатлар ҳам рўй берипти. Варьяган нефть конларида қурилиш базасини ташкил этиш, нефть техникуми спорт комплекси ва бошқа бир қатор ишхотларни лойиҳалашга доир ҳужжатларни расмийлаштиришда ана шундай камчиликлар содир бўлди.

Институт бухгалтерияси ҳисоботида (бош бухгалтер А. Хан) ҳам жиддий камчиликлар бор. Иш ҳақидан тежаб қолинган маблағ асосида тарзда моддий рағбатлантириш фондини кўпайтиришга берилган. Ўтган йили лойиҳа-қидирув ишлари таннарих 44 минг сўм ошиб кетган. Институт 41 минг сўм зарар кўрган. Геология-қидирув ишларидан олинган даромад эса ҳисоботларда 4 минг сўм ошириб кўрсатилган. «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси (бошқарувчи И. Зайнуллин) институт фаолиятини етарли назорат қилмапти, унинг раҳбарларига нисбатан талабчанлик кўрсатмапти. Лойиҳалаш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилмаётгани учун уларга нисбатан тегишли чора қўрилмапти.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳомаа қилди ва раҳбарлиқни таъминламаётгани, ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганини учун «СредазНИИнефть» институты директори А. Степченко, бош инженер В. Домохинга қаттиқ воговор берди. Уларга ишдаги нуқсонларни зудлик билан тугатиш вазифасини топириди.

• Ташвишли сигналлар

ЧИРИГАНИ КИМГА КЕРАК?

Москва шаҳридаги Перовский улғуржи-чакана савдо идораси билан тузилган шартномага мувофиқ Пахтакор районидagi Абдуҷабборов номи совхоз директори С. Қирғизбоев шу йилнинг 18 июлида тўртта вагонга «Жонатон» кавли олма юклашни буюрди. Бу ишга ҳўжалик ҳисобидаги тўртинчи ва бешинчи бригадаларнинг бошқарилари Т. Эсаров ва Ш. Қариевлар бошқармоқ бўлипти. Пахтакор РАПОсининг бош мутахассиси Б. Қунишев, область агроаноат комитети мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва савдо бўлимининг бошлиғи Р. Саидхониде вагонларга жами 30297,4 сўмлик 86564 килограмм биринчи сортли янги узилган олмапар ортқилангани қайд этилди.

қурилиш ташкилоти раҳбарлари «ҳа бўл, ҳа бўл» деб, сўраганга эъри бериб, сифатни бўтунлай эсдан чиқариб қўйиш, япти. Ана шу сабабли қурилиш уйлар сифатсиз, жуда кўп нуқсонлари билан фойдаланишга топириқлимоқда. Бунинг устига колонна ўтган ойлорда аҳолига планда белгиланганидан 2389 квадрат метр уй-жойни кам топириди.



Район Совети ижроия комитети ходимлари кооператив ва шахсий уй-жой қурувчилар билан шуғулланмай қўйишди. Янча тартибда уй-жой қурувчилар давлатдан қандай ерда олишлари мумкинлигини тушунишмайди. Уларга ер участкалари вақтида ажратилиб берилмапти. Шу сабабли 3780 квадрат метр ҳажмида янча тартибда уй-жойлар кам қурилди.

«Голоднострой» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари (В. Олимов) уй-жой қурилишда ўз бўлиқларига ва буюртмачи корхоналарда қўшиб ёзиш, кўзбўйамчилик каби ҳолатларнинг олдини олмаптилар. Масалан, 31-кўча механизациялашган колонна «Страна Советов» совхозида шу йилнинг ўзига жами ҳажми 1643 квадрат метр бўлган ички квартиралар уйларни кўп нуқсонлари билан фойдаланишга топириқлимоқда. Район марказидаги 756 квадрат метрлик 12 квартиралар уй ҳам 1650 сўмлик чапа ишлари билан топириди. 110-кўча механизациялашган колонна раҳбарлари (бошлиғи У. Аҳмедов) «Янгир» ва Г. Юнусов компи совхозларда ана шундай кўзбўйамчилик билан шуғулланганлар, 1640 квадрат метр уй-жойнинг 4412 сўмлик чапа-чулла ишлари билан қабул акти ёзилишга эришдилар.

Ш. ШОКИРОВ.

ХОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА...

Меҳнатбод районидagi ҳўжаликларда уй-жой ва социал-маънавий объектлар қурилиш энг доллар масалалардан бири. «Голоднострой» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 31-кўча механизациялашган колонна асосан шу иш билан шуғулланади. Бироқ



Самарқанд химия заводи маҳсулот реализация қилиш планларини бажаришда оқсак қолган. Ўтган йили бу соҳада топириқлимоқда бажарилмаган қолган ва ана шу сабабли 2,2 миллион сўм жарима тўланган эди. Давлат планларига нисбатан 29,5 минг тонна минерал ўғит ва 165 минг тонна олтин гургут килотаси кам ишлаб чиқарилиганили сабабли корхона режалаштириш 8,4 миллион сўмлик даромад олш ўрнига 6,1 миллион сўм зарар кўрд.

Бундай қолқилик корхона раҳбарларини ташвишга солиш, аҳолини тузатиб олш учун дарҳол чора кўришга мажбур қилиш лозим эди. Шундай ҳам қилинди. Заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган тадбирлар белгиланди, мутахассисларнинг маъсулиятини ошириш юзасидан чоралар қўрилди. Бироқ, аҳвол эса ўзгармай қолверди. Сабаби — тадбир белгилан бошқо-у, уни амалга ошириш бошқа экан. Корхонада технология режими-йлар қандай бўлса, шундайлигича қолпти. Усуналар сифатсиз ремонт қилинган, баъзи системалар ёмон ишлаётган, ҳам ашё етказиётганлиги сабабли аммофос ишлаб чиқариш қувватларининг 66,5 процентдан олтигургут килотаси ишлаб чиқариш қувватларининг эса 70,4 процентдангина фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида олтигургут килотаси ишлаб чиқариш планларининг барбод бўлишига сабаб бўляпти.

Ҳа, холва деган билан оғиз чучмайди. Планин бажариш учун корхона ишлаб чиқаришдаги камчиликларни тугатиш билан амалда шуғулланш лозим.

Т. ТУРДИЕВ.

М. Жўраев чизган расмлар.

• Саҳифа почтасидан Хўжасизлик илдиэ отғач

Анджон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида ярим йил мобайнида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,7 процент камайиб кетди. Натжижада 4026 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонадаги мажбур техниканинг 30 проценти кам қувватли. Ярим йилда 110 минг сўмлик маблаг ноишлов чиқариш харажатларига сарфлаб юборилди, 1533 ишчи кун ийқотилди.

Корхона ўтган йили савдо ташкилотларидан 100 та рекламация олиб, 63 минг сўм жарима тўлади. 1988 йилнинг биринчи ярмида эса 57 та рекламация олинди, 29,2 минг сўм жарима тўланди.

Текшириш пайтида ҳақ назоратчилари корхонада хўжасизлик, маъсулиятсизлик ҳолатлари мажбурлигини аниқлашди. Область халқ контроли комитетида комбинатдаги маъна шу жиддий нуқсонларга йўл қўйилганлигини учун бош директор ўринбосари С. Таваккиловга хайфсан эълон қилинди.

Фойдасидан зарари кўп

Навоий область матлубот жамиятига қарашли ёрдамчи ҳўжаликларда қорва миллари маҳсулотларини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини юретиш борасида жиддий нуқсонларга йўл қўйилган. Халқ назоратчилари бу ерда мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатлари юз бераётганлигини очиб ташладилар.

Кейинги икки йил мобайнида ушбу ташкилотдаги ердамеи ҳўжаликлар тўрттага камайди. Натжижада моллар сони 60,7 процентида қисқарди. Матлубот жамияти раҳбарлари ёрдамчи ҳўжаликдаги хўжасизлик, юлғилик ҳолатларига барҳам беришга ишти-майлантилар. Уртачул, Нурота район матлубот жамиятлари ёрдамчи ҳўжаликлариди 1986 йилда йўл қўйилган 142,4 минг сўмлик зарар ҳанузгача қопланмаган.

Уйлар қачон битади?

Самарқанд районидagi 158-маҳсул механизациялашган кўча колонна олти ойлик қурилиш-монтаж ишлари планин аранг 90 процентга ўриналди. 300 квадрат метр турар йўл фойдаланишга топириқлимоқда. Бунинг боиси ташкилотда меҳнат интизоми талаблар даражасида эмаслигини. Ўтган давр мобайнида сабабсиз ишга келмаслик, прогуглар ҳисобига 965 ишчи кун ийқотилган. Фойдаланишга топириқланган объектлар сифати ҳам талаб даражасида бўлмапти.

Шу тўғрйли ҳам райондаги турар йўл, маданий-маънавий объектлар қурилиш орқеда қолмоқда. Район халқ контроли комитети ишда йўл қўйётган камчиликларни учун кўча колонна бошлиғи Л. Реситов ва бош инженерни М. Абдушукуровларга қаттиқ хайфсан эълон қилди.

А. МАХСУМОВ.

• Муаммо ВАҚТ ЎҒРИСИ

олган Р. Левашова. — Термизга билет олмақчиман. Аммо навбатим қачон етгади, билмайман.

— Мен эса Ленинградга билет олиш учун уч кундан буйн навбат кутяпман. — дейди В. А. Комиссарин. — Шу аҳволда яна қачна кутаркинман, билмайман.

Навбатга эзилганлар ҳўлатига кўз югуртирсангиз рўзимат кўрсатиш шу зайдла девам этаверадиган бўлса, буғун шу ердаги мижозларга қачон навбат келиши дарғумон.

...Чилонзор район савдо маркази. Магазин секциялариди харидорлар тирбанд. Айниқса, «Мақта» бозорини савдо ярмаркиси яқинига йўлаб бўлмайди. Бироқ магазини бэззи секциялариди харидорлар йўқ ҳисоби. Сотувчи бир-бирлари билан гаулашиб ўтиришибди. Қилишлари йўқ. Магазин мудирининг қадрлар бўйича ўринбосари В. Горбенко билан сўхбатлашганимизда у боши-



охири кўринмайдиган навбатларнинг сабабини «сотувчилар етишмаётганлиги» деб кўрсатди. «Мақта» бозорини савдо ярмаркиси секцияси мудирини Б. Гойибазарова ҳам шу гапни қайтарди. Яна ўқувчилар учун зарур товэрлар етишмаётганлигини ҳам кўшиб қўйди.

Хуллас, гап, баҳона, сабаблар кўп. Аммо бундан одамларга наф тегмапти. Хўш, бу хилдаги асабга тегадиган навбат куттишларнинг кимга кераги бор? Ким сабаб бўляпти бундай иллатнинг юзга келишига? Е ишларини билмайлми? Ҳа, ҳудди ана шундай. Ишонинг кўзини биллиб меҳнат қилишни билмайлми. Тўғрйроғи, хизмат кўрсатиш корхоналарни эскичасига ишлатяпти, ўе фаолиятларини қайта кўриб олмайлтилар. Уларда хизмат эппилиди, қойилмақомлик, одамларга эътиборли бўлиш етишмапти.

— Эшитишимча, чет эллардаги магазинларда тўрт одам

навбат кутиб қолса, фавқуллод ҳолат саналаркан. Дарҳол иши кэмроқ ходими ана шу жойга ташлаб навбатда турганларга тезроқ хизмат кўрсатилар экан, — дейди тоқта-тоқ бўлган харидор С. Қубонова. — Хўш, бизда нега шундай қилинмапти? Нима учун бэззи секцияларда иши кам сотувчилар гап сотиб ўтирибдилару, навбат қўйиб кетган секцияларда фақат 2—3 ходимгина хизмат кўрсатади? Мен бу ҳолатни эскича ишлаш усулларига маҳкам ёпишиб олш деб тушунаман.

Харидор тўғри айтаяпти. Кишларга хизмат кўрсатадиган соҳаларни тўдан қайта кўриб олишнинг ҳам пайти етди. Бу — шу куннинг энг ўқир, энг доллар талаби. Аввало, одамларнинг қимматли вақтини ўғирлаётган ҳар хил кўринишдаги навбат куттишларни келтириб чиқараётган сабабларни йўқотиш зарур.

С. ЯУЛДШЕВА, В. Тўраев фотолари.

МАҲСУЛОТ ХОР БЎЛМАСИН

Озиқ-овқат программаси бажарилиши йўлидаги тўғоноқлар

Ез пишиқчилик, тўқин-социллик фасли. Лекин 1. Урганч паррандачилик фабрикаси раҳбарларидан тортиб олдий товубқорачига ёз келди дегунча ташвиш қўйлади. Чунки ҳар йили худди шу ойларида Тошкентдан «Узмасомолторг» республика идорасидан фабрикага: «Тухум, парранда гўшти юборишни тўхтатинг. Ионь ва июлда тухум керак эмас. Августда... реализация қилишнинг ички имкониятларида фойдаланинг», — деган мавзуда телеграммалар ёғилди.

Область савдо ташкилотлари раҳбарлари эса турли сабабларни кўрсатиб, «Одамларни фонд асосида берилганидан кўпроқ тухум ейтишга мажбур қила олмаймиз» деб оёқ тираб олишди.

Фабрикада асралаётган юз минггаб товук эса ёзининг жазирама иссиги, мунозара-муҳокамаи тушунишармиди? Ақсига олиб, тухум турғини олдингидан ҳам кўпайтиришди. Бунинг устига фабрикада ҳам план бор, мажбурият бор. Шу йилнинг ўзига 66 миллион дона тухум, 500 тонна парранда гўшти етиштирилиши керак.

Биз кўпроқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, социал масалалар билан шуғулланганимизга керак, — дейди фабрика директори О. Юсупов. — Афсуски, ҳар йили ёз келиши билан кўп вақтимиз маҳсулотни реализация қилиш муаммоларини ҳал этишга

нетишти. Министрликка, бош бошқармаларга ёзмамиз. Партия, савдо ташкилотларига мурожаат этилмиш. Наф йўқ. Тухум сақланган совиқчилик омборлар эса тирбанд бўлиб кетди. Маҳсулотни қаерга қўйишни билмай қайронмиз.

— Лойиҳа бўйича фабрика хололидининг бир ярим миллион дона тухум сақлаш мўлжалланган эди, — дейди омбор мудирини Ш. Матназаров. — Кейинги икки йилда яна уч ярим миллион дона тухум сақланган маҳсул омборлар қурилди, реконструкция этилди. Лекин ҳозир улар ҳам торлиқ қилиб қолди. Сабаби — 5 миллион донадан кўпроқ тухум, нормадан анча ортқи тухум пастаси реализация этилмай сақланяпти. Агар ҳар кун иш этиштирилатган 180—200 минг дона тухумнинг атиги 40-50 минг донаси реализация этилаётганлигини ҳисобга олсак, аҳвол нақадар ташвишли эканлиги кўзга яққол кўринади.

Бутгина эмас. Фабрика хололидинлариди бир неча тонна парранда гўшти ҳам турибди. Бу ерда жой бўлмагани сабабли алақадор сўйиб одамларга қарак бўлган, деярли тухум бермайдиган 60 мингга яқин товук беҳуда қолган.

Хўш, нега шундай бўлмоқда? Нега бир неча йилдан бери ҳар ёз мана шундай аҳвол тақдорланяпти? Фабрикада етиштириладиган жами тухум ва гўшт маҳсулотлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Со-

ветининг қарорига асосан савдо ташкилотларига фонд ажратиб берилган. Шунга кўра бу йил Тошкент шаҳри савдо шаҳобчалари фабрикадан 36 миллион 893 минг дона тухум олишлари лозим. Йилнинг етти ойи ўтганига қарамай эндигона 9,5 миллион дона ёки ярим йил учун белгиланганидан ҳам тухумни кўп реализация қилиди. Ионь, июль ойларида эса 9 миллион 34 минг дона тухумни олишдан бош тортишди.

Бу масалани адолатли ҳал этишга «Узмасомолторг» республика идораси раҳбарлари маъсулиятсизлик билан қарамқоллар. Ўз бошида идора бошқарувини ўринбосари Анвар Галеевнинг имзоси билан олинган телеграммда ионь, июль ойларида Тошкентга тўла юбориш тўхтати турилсин, дейилганди. Коллектив август ойига катта уйд билан қараётган бир пайтда яна ўша Галеевнинг ўзи телефон қилди: «Тухум керак эмас. Ўша ёлда сотаверинг. Тасдиғи зарур бўлса телеграмма юбораман». Ана раҳбарнинг катта бир коллектив тақдирига муносабати.

Хўш ана шу оғир вазиятдан чинишда «Элтишепром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари ўз корхоналарига қандай амалий ёрдам кўрсатишмоқда? Уларни ишлаб чиқариш планлари бажарилишини қизқитириди. холос.

Б. МАТЕКУВОВ, Урганч шаҳридаги «Интурист»

Шундай пайтда область савдо ташкилотлари матмухриати 1-паррандачилик фабрикаси маҳсулотларини реализация қилишни кўпайтириш имкониятларини излаяптиларми?

— Ўтган етти ойда аҳолига фонда белгиланганидан салкам 4 миллион дона тухумни кўп реализация қилиди, — дейди область савдо бошқармаси бошлиғини Р. Каримкулиев. — Хўсусан, 1-паррандачилик фабрикасида мўлжалланган ортқи тухум харида этилди.

Лекин бу областдаги барча савдо ташкилотлари тухум ва парранда гўштининг реализация қилишни кўпайтириш имкониятларидан тўла фойдаланяптилар, деган маънони билдирмапти. Урганч шаҳридаги, районлардаги қатор магазинлар кўздан кечирилганда тухум ва парранда гўштининг йўқлиги ёни жуда камлиги кўзга ташланади.

Область партия комитетининг шу йил июль ойи охирида бўлиб ўтган бюро мажлисида, савдо масалаларига бағишланган партия активини йилгида фабрика маҳсулотларини реализация қилишга эътиборини қараётган бир қатор савдо шаҳобчалари адресига қаттиқ танқидий фикрлар айтилган эди. Хўш, шундан кейин аҳвол ўзгарди? Шу савол билан савдо шаҳобчалари, корхоналар раҳбарларига мурожаат қилиди.

«Узмасомолторг» республика идораси. Савдо минис-

трини ёз даврида тухум ва парранда гўштининг бир қисмини шу маҳсулотларга талаб катта бўлган бошқа қардош республикаларга реализация этиш юзасидан шартномалар тузишга бўлмайди? Еки саноат асосида ишлаб чиқариш, тухумли макарон маҳсулотлари тайёрлашнинг тўла келмагани, ёзда тухумли овқатлар тайёрлашга ҳайинқи бунга сабаб бўлди. Энди тухум олишни кўпайтироқчимиз.

О. ШОЛКОРОВ, Урганч нон комбинати бош инженери: — Фабрикадан пландаги 750 минг ўғитга 50 минг дона тухум олинган рост. Ёзда тухумни сақлаш, ундан маҳсулот тайёрлаш қийин. Тез орада тухумли маҳсулотлар чиқаришни кўпайтирмамиз.

Урганч шаҳар озиқ-овқат моллари идорасида ҳам бу маҳсулотларни реализация қилиш масъулияти тўла ҳис этилмаяпти. Масалан, олдин ушбу идора фабрикадан ҳар кун 30—50 минг дона тухум олган бўлса, эндигона бу рақам 21.600 донага тушиб қолди.

«Тухумюнгидострой» қурилиш бошқармаси, область электр тармоқлари, «Средатрансгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси ишчилар таъминоти раҳбарлари адресига ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Урганч хололидин раҳбарлари эса фабриканинг ортқича маҳсулотларини сақлаб туриш зиммасига юклатилган бўлса ҳам аксинча иш тутиб, ўзларига қарашли 630 минг дона тухумни олишни пайсалга солишяпти.

«Узмасомолторг» республика идораси. Савдо минис-

